

«ТАСДИҚЛАЙМАН»  
Гиждувон туман Хокимлги ҳузуридаги  
Ободонлаштириш бошқармаси  
Харид комиссиясининг раиси



У.Туев  
2022 йил

**ГИЖДУВОН ТУМАН ХОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ  
ОБОДОНЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ БАЛАНСИДАГИ ТУРТ  
ТОМОНЛАМА КУРАНТ СОАТИНИ МУКАММАЛ ТАЪМИРЛАШ  
ИШЛАРИ ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН**

**ТАНЛОВ ҲУЖЖАТИ**

Гиждувон туман - 2022 йил

**Танлов хужжатларининг мазмуни:**

**I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома**

**II. Техник қисм**

**III. Нархлар қисми**

**ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА  
1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ**

1.Танлов предмети: Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси балансидаги турт томонлама Курант соатини мукаммал таъмирлаш ишларига лойиҳа хужжатларини тайёрлаш .

1.2.Танловнинг юкори қиймати – 19 125 000 (үн тўккиз миллион бир юз йигирма беш минг) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги тাকлифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3.Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмida илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб бўлган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нўқсон далолатномасига асосан белгиланган график бўйича.

1.5.Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

2.1. Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили Фиждувон туман Пахтакор кўчаси 40 уй

2.2.Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3.Танлов Фиждувон туман Хокимлиги хузуридаги Ободонлаштириш бошқармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

**3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

3.1.Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишига ихтисослашган, камида 2 йил тажрибага эга бўлган барча Юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга куйидаги малакавий талаблар кўйилади:  
танлов предмети ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги;

- объектнинг мураккаблик даражасига қараб, "лицензия" ва "гувоҳнома"
- 684-Конун 13-моддатига риоя этилиши шарт
- моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника руйхати ускуналар
- Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг хаёти сугурталанганилиги
- техника хафсизлиги коидаларига риоя килиш талаблари ҳамда йурикномалари
- Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарчалари ёки mehnat.uz сайти орқали рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги хужжат
- Бажарилган ишларга бериладиган кафолат муддати
- Шу соҳада олдин килинган ишлари бўйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3.Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар) нибажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рұксат этилади.

3.4.Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишига рўксат берилмайди:

қайта ташкил этилиши(ажралиши, қўшилиши), тугатиши ёки банкротлик арафасида турганлар; молмулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН**

## **ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1.Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2.Танлов хужжатларида кўйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиганиш ва хизматлар кўрсатилиши керак;

Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлик кўрсаткичлар кўрсатилиш бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варогини муҳрлаб тасдиқлаган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.3.Кўйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича кўйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар рўйхати (брошуралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

Нархлар таклифи ва нархлар бўйича жадвал тўлдирилиши ва илова қилиниши лозим.

4.4. Танлов иштирокчиси:

- фақат битти таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хукуқига эга.

## **5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ**

5.1.Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таъгукли ҳолда эълон қилинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3.Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## **6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

6.1.Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчилиқда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

6.2.Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчилиқда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3.Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирочи деб топилгандан сўнг қонунчилиқда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## **7.БОШҚА ШАРТЛАР**

7.1.Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиши учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камидан ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилаган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичидан давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камидан икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3.Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичидан маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси такливларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичидан танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5.Танлов натижалари бўйича шартнома танлов хужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.